

Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида “яшил” бюджетлаштиришни жорий этиш масалалари

Интизор Жамшид қизи Инатуллаева
ТДИУ

Аннотация: Мақолада “яшил” молиялаштиришнинг зарурияти ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган. Жумладан, Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиёт ва “яшил” молиялаштиришга ўтиш ислохотлари таҳлил этилган. Муаллиф томонидан “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида “яшил” бюджетлаштиришни кенгайтириш йўллари таклиф этилган. Халқаро тажрибага таянган ҳолда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: “яшил” иқтисодиёт, “яшил” молия, “яшил” облигациялар, экологик инновациялар, экологик самарадорлик, “яшил” инвестиция офислари, “яшил бюджет” тамойиллари, “яшил” маркировкалаш

Issues of introducing “green” budgeting in the context of the transition to a “green” economy in Uzbekistan

Intizor Jamshid kizi Inatullaeva
TSUE

Abstract: The article scientifically and theoretically examines the necessity and significance of “green” financing. In particular, it analyzes the reforms aimed at transitioning to a “green” economy and “green” financing in Uzbekistan. The author proposes ways to expand “green” budgeting in the context of the transition to a “green” economy. Based on international experience, practical recommendations have been developed.

Keywords: green economy, green finance, green bonds, ecological innovations, environmental efficiency, green investment offices, green budget principles, green labeling

Кириш

Сўнгги йилларда глобал миқёсда иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бир вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш тамойилларига риоя этиш долзарб масалага айланди. Анъанавий иқтисодий моделлар табиий ресурслардан ҳаддан ташқари фойдаланиш, экотизимнинг бузилиши ва иқлим ўзгариши каби салбий оқибатларга олиб келгани боис, жаҳон ҳамжамияти

барқарор ва инклюзив ўсишга асосланган яшил иқтисодиёт моделини шакллантиришга эътиборни кучайтирмоқда. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида (SDG) ҳам иқтисодий ўсишни экологик масъулият ва ижтимоий адолат билан уйғунлаштириш асосий устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнининг муваффақияти кўп жиҳатдан молиявий ресурсларни тўғри йўналтириш ва самарали бошқаришга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан яшил молиялаштириш тизими - яъни экологияга ижобий таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни, соҳа ва фаолият турларини молия билан таъминлаш механизми - иқтисодий ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Яшил молиялаштириш нафақат экологик инвестицияларни рағбатлантиради, балки иқтисодий барқарорлик, янги иш ўринлари яратиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этишга ҳам туртки беради.

Ҳозирги глобал тенденциялар шунини кўрсатмоқдаки, яшил молия инструментлари - хусусан, яшил облигациялар, карбон кредитлари, экологик суғурта ва давлат-хусусий шериклик механизмлари - орқали экологик инвестицияларни жалб этиш кенгаймоқда. Европа Иттифоқи, Жанубий Корея, Хитой ва Сингапур каби мамлакатларда яшил молия сиёсати иқтисодий дастурлар билан интеграциялашган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу тажрибалар миллий даражадаги барқарор ривожланиш стратегиялари учун муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам яшил иқтисодиётга ўтиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. “Ўзбекистон-2030” Стратегияси[1] ва “Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси-2030” [2] доирасида энергетика самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва экотизим барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, яшил лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу нуқтаи назардан мазкур илмий тадқиқотнинг мақсади - яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида яшил молиялаштириш механизмларини таҳлил қилиш, миллий амалиётда уни жорий этишнинг имкониятлари ва муаммоларини ўрганиш ҳамда самарали таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Тадқиқот доирасида халқаро тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш, молиявий инструментлар самарадорлигини баҳолаш ва Ўзбекистон шароитига мос модел тавсияларини илгари суриш режалаштирилган.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Ушбу тадқиқотни амалга оширишда халқаро тажрибалар, “яшил” молиялаштириш тизимидаги илмий-амалий

материаллар, расмий статистик ҳисоботлар ва иқтисодчи олимларнинг ёндашувлари таҳлил объекти сифатида хизмат қилди.

Яшил молия - иқлим ва биосфера хавфларини ҳисобга олиб, молиявий ресурсларни камуглеродли ва барқарор лойиҳаларга йўналтириш учун мавжуд институтлар, инструментлар ва қоидалар тизими - бугунги кунда молиявий тадқиқот ва сиёсат марказида туради. Илмий тадқиқотлар, эмпирик таҳлиллар ва сиёсий/ҳукуқий таҳлиллар бирлашиб, яшил молияни жорий этиш механизмлари, самарадорлиги ва потенциали ҳақида янги далиллар бермоқда.

Жумладан, америкалик олим Марк Карни ўз тадқиқотларида молия институтларини иқлим рискинни очиқлашга мажбурлаш орқали захирасизланиш ва нотўғри иқтисодий фаолият камайитириш мумкин, деган ғояни илгари суради. Бу ғоя банклар ва сармоядорларнинг “яшил” молиялаштиришга нисбатан ёндашувини ўзгартиришга хизмат қилади[3].

Европалик иқтисодичи олимлар Dylan K., Sandra Thompson ва Cormac Hugh MacMahonнинг EU Taxonomy, SFDR каби регуляциялар орқали “яшил” фаолиятларни аниқлаш ва сармоядорларни ҳимоя қилиш қаратилган илмий таклифлари катта муваффақият қозонган[4].

Хитойлик илмий изланишларда яшил молия бозори (яшил облигациялар, sustainability-linked bonds, transition bonds), яшил молия ва ресурс самарадорлиги ўртасида ижобий боғлиқликлар мавжудлиги исботланган[5].

Россия олимлари асосан “яшил молия”ни таркибий жиҳатдан тадқиқи қилишмоқда. Жумладан, яшил облигациялар, қонунчилик, саноат таркиби ва транзициядаги муаммолар ва ҳ.к. Россия тадқиқотлари кўпинча маҳаллий иқтисодий структура ва углерод-йўқотилмайдиган секторнинг юқори улуши билан боғлиқ чекловларга эътибор қаратмоқда[6].

Ўзбекистонда яшил молия бўйича илмий тадқиқотлар асосан 2023-2025 йилларда фаоллашган, яъни мавзуга қизиқиш шу даврда сезиларли даражада ошган. Масалан, Б.Избосаров ва З.Баймуродова кичик бизнеснинг яшил иқтисодиёт шароитида ривожланишидаги муаммолари - ресурсларнинг чекланиши, кредитлаштириш, технологияларга кириш, энергия самарадорлиги ва экологик инновацияларни жорий этиш масалаларини ўрганишга бўлса[7], Ш.Халилов экологик молиявий ҳисоботларда экологик самарадорлик ва ресурс сарфини кўриб чиқиш, компаниялар фаолиятининг экологик таъсирини баҳолаш масалаларни тадқиқ қилган[8].

Ўзбекистондаги илмий изланишларда “яшил” молиялаштиришга оид турли соҳаларда (ижтимоий, банк, ипотека, энергия, экология, бухгалтерия) таҳлиллар бор, аммо маълумотлар базаси ва эмпирик статистик таҳлиллар кам кузатиш мумкин.

Натижалар ва уларни муҳокама қилиш. “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсиш масалалари бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида кун тартибидаги энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу борада ривожланиш бўйича халқаро ҳамкорташкилотлар билан бирга қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори билан қуйидаги стратегик ҳужжатлар ва тизимлар тасдиқланди:

- стратегик мақсадларга эришишга мўлжалланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш Дастури;

- саноат тармоқларида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича Концепция;

- 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича Ҳаракатлар режаси;

- Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодиётга ўтиш чораларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш таркиби;

- “Яшил” иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсиш бўйича Донорларнинг мувофиқлаштириш гуруҳи.

Франция тараққиёт агентлиги (AFD - Agence Française de Développement) билан ҳамкорликда “Яшил” иқтисодиёт бўйича давлат сиёсати соҳасида лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур дастур доирасида иқтисодиётни декарбонизациялаш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, миллий миқёсда иссиқхона гази ташланмаларининг мониторинги, ҳисоботи ва текшируви (MRV) тизими жорий этиш, “яшил” бюджетлаштириш жорий қилиш ҳамда бошқа йўналишларда ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон банки билан биргаликда Париж битими 6-моддасига мувофиқ қисқартирилган иссиқхона газларининг халқаро савдоси механизмини йўлга қўйиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунда, Жаҳон банки ҳузуридаги “Углерод активлари трансформатив фонди” (Transformative Carbon Asset Facility - TCAF) молиявий кўмагида Ўзбекистон ҳукуматида углерод бозорида иштирок этишда кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилади. TCAF - Жаҳон банкнинг траст фонди бўлиб мамлакатларнинг углерод нарҳини бозорга чиқариш ва хусусий секторга паст углеродли технологияларга сармоя киритишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Хусусан, Жаҳон банки вакиллари билан биргаликда энергетика ислохотлари доирасида инновацион углерод молиялаштириш лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Жаҳон банки билан биргаликда 2030 йилгача иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ва билвосита таъсирлари ўрганилди ҳамда унинг асосида “Towards a Greener Economy” ҳисоботи тайёрланди ҳамда II-Халқаро иқтисодий форумда тақдимот қилинди, Жаҳон Банки ва Вазирлик расмий веб-сайтларида жойлаштирилди. Иқлим ўзгариши шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича миллий баҳолаш (CCDR - Climate Change and Development Report) лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ушбу баҳолаш иқтисодиётга халқаро арзон “яшил” молиявий кўмакларни жалб қилишга кўмак беради.

Осиё тараққиёт банки экспертлари томонидан Ўзбекистонда давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (Climate- Public Investment Management Assessment - C-PIMA) қўллаш юзасидан таҳлиллар якунланиб, якуний ҳисобот тақдим этилди. Осиё тараққиёт банкнинг таҳлил натижалари бўйича давлат инвестицияларини бошқаришни баҳолашнинг иқлим билан боғлиқ мезонларини (C-PIMA) қўллаш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилган:

- иқлим ўзгариши тўғрисидаги хабардорликни ошириш;
- инвестиция сиёсати тўғрисидаги ҳисоботни ишлаб чиқиш ва инвестициялар билан боғлиқ ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- давлат инвестицияларини бошқариш жараёнлари асосий миллий ва секторларни ривожлантириш стратегиялари ва ўрта муддатли харажатлар доираси билан боғлиқлигини таъминлаш;
- давлат инвестицияларини бошқариш (PIM)ни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий ва меъёрий базани бирлаштириш;
- лойиҳаларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва танлаш учун бир хил тартиблар қўлланилишини таъминлайдиган ягона давлат инвестицияларини бошқариш тизимини яратиш;
- инвестиция устуворликларини аниқлашда тармоқлар режаларининг йўналтирувчи функциясини такомиллаштириш;
- лойиҳа амалга оширилгандан кейинги баҳолашни ва аудитни мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистонда иқлим ўзгариши жиҳатларидан келиб чиқиб, давлат инвестицияларини бошқариш тизимини жорий этиш;
- яшил стратегия инфратузилмасини қўллаб-қувватлайдиган маҳаллий молия институтлари, банк ва IT хизматларини қўллаб-қувватлаш;
- экологик тоза инвестицияларни ривожлантиришда хусусий секторнинг иштироки учун шароит яратиш.

Давлат молиясини бошқариш тизимига “Яшил бюджет” тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, аввалги

йилларда Давлат бюджети харажатларини иқлим ўзгаришига таъсири бўйича таснифлаш (маркировкалаш) амалга оширилиб келинган бўлса, 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашни амалга оширишга ўтилди. Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш янада кенгроқ тушунча ҳисобланиб, Давлат бюджети харажатларини нафақат иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ёки иқлим ўзгариши оқибатларига мослаштириш бўйича баҳолайди балки атроф-муҳит масалалари билан боғлиқ бошқа таъсирларни ҳам инобатга олади. Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш бўйича батафсил Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамда Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш услубиётида келтирилган (Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 4 ноябрдаги 23-200-сон буйруғи билан тасдиқланган). Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашда биринчи навбатда иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар аниқлаб олинади. Иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга ижобий ёки салбий таъсирга эга тадбирлар қуйидаги 3 та гуруҳга (атроф-муҳит мақсадлари) ажратилади ҳамда ушбу гуруҳларнинг ҳар бири “ижобий” ва “салбий” таъсири бўйича таҳлил қилинади:

- 1) Иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш тадбирлари;
- 2) Иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш тадбирлари;
- 3) Атроф-муҳит масалалари билан боғлиқ бошқа таъсирлар.

Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир бюджет сатри юқорида келтирилган 3 та атроф-муҳит мақсадларига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан баҳоланса, иккинчи босқичда баҳоланган ҳар бир бюджет сатри қуйидаги 4 та тоифалар бўйича гуруҳланади:



1-расм. Бюджет харажатларини «яшил» бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш бўйича гуруҳлаш[9].

2024 йилги Давлат бюджети харажатларини (310,9 трлн сўм) “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижаларига кўра:

«А» тоифа бўйича харажатлар миқдори 27,5 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 8,8 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш ва сув билан таъминлашга оид тадбирлар харажатлари (сув тадбирлари иқлим ўзгариши шароитида муҳим ўрин тутати), ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича харажатлар (ҳудудларда инфратузилмаларни ривожлантирилиши, ободонлаштириш иқлим ўзгаришига мослаштириш тадбирлари ҳисобланади), ўрмон хўжалиги, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши вазирлигини сақлаш харажатлари, жамоат транспорти бўйича харажатлар ва бошқа атроф-муҳит мақсадларига ижобий таъсир кўрсатадиган харажатлар инобатга олинган.

«В» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар миқдори 9,7 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 3,1 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада геология-қидирув ишлари харажатлари (фаолият атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатсада, кам углеродли фаолиятлар учун зарур бўлган минералларни аниқлайди), ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ва ҳудудий бўлинмалари харажатлари (ветеринария хизмати ҳайвонларни иқлим ўзгариши таъсирига мослаштиришга ёрдам кўрсатса-да, чорвачилик фаолияти иқлим ўзгаришига салбий таъсир кўрсатади) кўзда тутилган.

«С» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга эмас харажатлар миқдори 0,5 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 0,1 фоизни ташкил этади. Бу тоифага иссиқхона газлари эмиссияларини ошишига олиб келувчи, сув сарфини оширувчи, атроф-муҳитни ифлослантирувчи тадбирлар, биологик хилма-хиллик ва экотизимга салбий таъсир кўрсатувчи тадбирлар киради.

«Д» тоифа бўйича, яъни атроф-муҳит мақсадларининг барчасига нейтрал таъсир кўрсатадиган харажатлар миқдори 273,3 трлн сўм бўлиб, жами харажатлардаги улуши 87,9 фоизни ташкил этади. Ушбу тоифада иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мақсадларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайдиган, ташкилотларни сақлаш харажатлари киритилади.

Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш харажатларни иқлимга таъсири бўйича таснифлашнинг давоми ва кенгайиши сифатида қаралиши мумкин. Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлашни жорий этиш ва қўллаш учун қуйидаги шартлар асосида босқичма-босқич ёндашув тақдим этилади. Вазифа жиҳатидан таснифнинг иккинчи даражасида ҳар бир бюджет сатрини атроф-муҳит

мақсадларига таъсирини тўғридан тўғри аниқлаш имкони бўлмаганда, мазкур бюджет сатрлари таркиби бўйича қўшимча маълумотлардан фойдаланилади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ	ИККИНЧИ БОСҚИЧ
Ҳар бир бюджет сатри атроф-муҳит мақсадларига таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан баҳоланади, жумладан: • атроф-муҳит мақсадларининг камида биттасига ижобий таъсир кўрсатадиган ва салбий таъсирга эга бўлмаган харажатлар; • атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар; • атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга бўлмаган харажатлар.	Бюджет сатрлари қуйидаги тоифалар бўйича гуруҳланади: • атроф-муҳит мақсадларининг камида биттасига ижобий таъсир кўрсатадиган ва салбий таъсирга эга бўлмаган харажатлар; • атроф-муҳит мақсадларига ижобий ва салбий таъсирларнинг комбинациясига эга бўлган харажатлар; • атроф-муҳит мақсадларидан камида биттасига салбий таъсир кўрсатадиган ва ижобий таъсирга эга бўлмаган харажатлар.

2-расм. Харажатларни “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш босқичлари[10].

ФТА ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамкорлигида “Иқлим ўзгариши соҳасида давлат харажатлари ва институционал таҳлил: Ўзбекистон” ҳисоботи тайёрланди. Ҳисоботда Ўзбекистон учун Иқлим ўзгариши билан боғлиқ давлат харажатлари ва институционал таҳлил (CPEIR) натижалари келтирилган. CPEIR диагностика воситаси бўлиб, учта йўналиш, сиёсат/стратегия таҳлили, институционал таҳлил ва харажатларни кўриб чиқишдан иборат. Таҳлил натижаларига кўра давлат бюджети харажатларининг 10-11 фоизи иқлимга ижобий таъсир кўрсатадиган тадбирларга ажратилиши ҳамда бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришига қарши курашиш чораларига самарали йўналтирилаётгани хулоса қилинган. Бундан ташқари, бюджет харажатларининг иқлим ўзгаришларига қарши чораларга янада самарали йўналтириш бўйича таклифлар тақдим этилган.

1-жадвал

2023-2025 йилларда давлат бюджети харажатларини “яшил” бюджетлаштириш тамойиллари асосида таснифлаш натижалари, *трлн сўмда*[11].

Тоифалар	2023 ижро	фоиз	2024 тасдиқланган	фоиз	2025 прогноз	фоиз
Жами	281,1	100	312,9	100	344,6	100
«А» тоифа	39,1	13,9	32	10,2	26,4	7,7
«В» тоифа	7,2	2,6	7,4	2,4	8,5	2,5
«С» тоифа	0,9	0,3	2,4	0,8	1,3	0,4
«D» тоифа	233,9	83,2	271,4	86,7	308,4	89,4

Мамлакатимизда миллий “яшил” иқтисодиёт таксономиясининг тасдиқланиши (2023 йил) - бу стандартлаштириш ва молиялаштиришда рамка муҳим қадам саналади. OECD ҳисоботларига кўра, давлат бюджети ва қўшимча манбалар (давлат маъсадли жамғармалари) 2024-2025 йилларда “яшил транзит” учун зарур маблағларни белгилаб олган. Ушбу маблағлар яшил энергетика, энергия самарадорлиги, экологик санкциялар (ESG), дарахтзорлаштириш, сув ресурсларини самарали бошқариш каби соҳаларга йўналтирилиши режалаштирилган. EBRDнинг 2024 йилдаги €938 миллион инвестициясида яшил иқтисодиёт лойиҳалари ҳиссаси - тахминан 55% - бу йилги молиялаштиришнинг экологик жиҳатдан устувор бўлган соҳаларга қаратилганини кўрсатади.

БМТТД кўмагида амалга оширилган яна бир лойиҳа доирасида “Ўзбекистонда бюджетни “Яшил” маркировкалаш (БЯМ) методологияси ва йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг асосий тадбирлари давлат бюджетини шакллантириш жараёнининг барқарор ривожланиш мақсадларини самарали тарзда амалга оширишни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, Ўзбекистонда “Иқлим бюджетини маркировкалаш” моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда “Яшил” бюджетлаштириш бўйича соҳалар кесимида маркировка қилинган маблағлар прогнози келтирилган.

2-жадвал

2025 йилда “Яшил” бюджетлаштириш бўйича маркировка қилинган маблағлар, *трлн. сўмда*[12].

№	Харажатлар, жами	Прогноз	Ижобий	Салбий	Таъсирга эъга эмас
		312,9	34,3	0,9	277,7
	<i>Жами харажатларга нисбатан, фоизда</i>	<i>100,0</i>	<i>10,9</i>	<i>0,3</i>	<i>88,8</i>
1	Ижтимоий харажатлар	151,5	0,8		150,7
2	Иқтисодий харажатлар	36,8	20,2		15,8
3	Инвестиция харажатлари	31,7	12,1		19,7
4	Давлат бошқаруви, ҳокимият, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	19,8	1,0		18,8
5	Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларнинг захира жамғармалари	2,1			2,1
6	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш ва тўлов харажатлари	16,4			16,4
7	Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар	9,6			9,6
8	Бошқа харажатлар	44,9	0,2		44,7

Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Халқаро молия институтлари ҳамкорлигида 2021-2024 йилларда қатор яшил молиявий инструментлар амалиётга киритилди. Хусусан:

- 2022 йилда Тошкент шаҳрида илк марта яшил суверен облигациялар чиқарилди, умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу облигациялардан тушган маблағлар қайта тикланувчи энергия лойиҳаларига йўналтирилди;

- 2023 йилда “Яшил банк маҳсулотлари” дастури ишлаб чиқилди, у доирада тижорат банклари орқали энергия тежамкор ускуналар сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар (жами 300 млрд сўм) ажратилди;

- 2024 йил ҳолатига кўра, мамлакатда яшил лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун жами 1,2 трлн сўмдан ортиқ маблағ сафарбар этилди.

Шу билан бирга, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Asia Development Bank (ADB) ва Green Climate Fund (GCF) билан ҳамкорликда қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Масалан, Навоий ва Бухоро вилоятларида қуввати 200 МВт бўлган қуёш электр станциялари қурилиши учун 250 миллион доллар миқдоридаги яшил кредитлар ажратилган. Бундан ташқари, давлат бюджети лойиҳаларида экологик самарадорлик индикаторлари жорий қилинмоқда, бу эса натижага асосланган бюджетлаштиришда (RBB) яшил молиялаштиришнинг аҳамиятини оширди.

Шу тарзда, Ўзбекистонда яшил молиялаштириш ислоҳотлари нафақат молиявий барқарорликни таъминлаш, балки иқтисодиёт тармоқларида энергия сарфини камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда.

Хулоса

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш жараёни жадал суръатларда кечаётган бўлса-да, яшил молиялаштириш соҳаси ҳали тўла шаклланмаган ва унинг институционал, ҳуқуқий ҳамда молиявий асосларини мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Халқаро тажрибалар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Жанубий Корея ва Хитой мисолида) шуни кўрсатадики, яшил молиялаштириш тизими самарали ишлаши учун давлат, хусусий сектор ва молия институтлари ўртасида узвий ҳамкорлик механизмини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

1. Институционал ва ҳуқуқий ислоҳотлар бўйича тавсиялар

Ўзбекистонда Яшил молиялаштириш миллий стратегияси (2026-2035 йиллар) ишлаб чиқилиши лозим. Унда яшил кредитлар, яшил облигациялар ва давлат кафолатига эга экологик лойиҳаларни молиялаштиришнинг аниқ механизмлари белгиланиши зарур.

Иқтисодит ва Молия вазирлиги, Марказий банк ва Экология вазирлиги ҳамкорлигида Яшил молия агентлиги ташкил этилиши тавсия этилади. Бу

агентлик яшил инвестициялар портфелини шакллантириш, баҳолаш ва ҳисобдорликни таъминлаш учун ягона марказ бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давлат бюджети ва инвестиция дастурларига яшил индикаторлар ва экологик натижавий кўрсаткичларни киритиш талаб этилади. Бу натижага асосланган бюджетлаштириш тизими доирасида экологик самарадорликни баҳолаш имконини яратади.

Қонунчилик соҳасида “Яшил молия тўғрисида”ги алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Унда яшил молиявий инструментларнинг ҳукукий мақоми, солиқ имтиёзлари ва ҳисобдорлик механизмлари белгилаб қўйилиши лозим.

2. Молиявий инструментлар ва бозор механизмлари бўйича таклифлар

Тижорат банклари учун яшил лойиҳаларни кредитлаш бўйича имтиёзли қайта молиялаштириш линиялари очиш. Бу Марказий банк томонидан белгиланган йиллик 2-3% паст фоизли кредитлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Давлат кафолати остидаги яшил суверен облигациялар бозорини кенгайтириш. Масалан, 2022 йилдаги 50 млн долларлик облигациялар тажрибаси асосида 2026 йилгача 500 млн долларлик миқёсда босқичма-босқич чиқариш режаси жорий этилиши мумкин.

Яшил инвестиция жамғармасини ташкил этиш ва унга хорижий инвесторлар, халқаро банклар (ADB, EBRD, IFC) ҳамда хусусий сектор маблағларини жалб этиш. Бу жамғарма қайта тикланувчи энергия, сув тежамкорлик ва чиқиндини қайта ишлаш соҳаларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш орқали яшил лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорларни рағбатлантириш. Масалан, энергия тежамкор ускуналар импорти учун божхона тўловларидан озод қилиш, яшил кредитлар бўйича фоизларни субсидиялаш механизмларини кенгайтириш.

3. Ахборот, таълим ва илмий салоҳиятни кучайтириш бўйича тавсиялар

Барча олий таълим муассасаларида яшил молия ва барқарор ривожланиш фанларини жорий этиш, иқтисодий таълимнинг илмий-амалий йўналишларини кучайтириш зарур.

Илмий муассасалар ва университетлар ҳузурида Яшил молия илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш орқали миллий илмий ишланмаларни амалиёт билан уйғунлаштириш тавсия этилади.

Давлат ва хусусий сектор ходимлари учун қисқа муддатли малака ошириш дастурлари, жумладан, “яшил молия менежменти”, “экологик баҳолаш” ва “яшил аудит” бўйича сертификатлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари иштирокида аҳоли ўртасида яшил молиявий саводхонликни ошириш кампанияларини йўлга қўйиш лозим.

4. Халқаро ҳамкорлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар.

Ўзбекистон Green Climate Fund, Global Environment Facility, ва Climate Investment Funds каби халқаро платформаларга фаол аъзо бўлиб, грант ва имтиёзли кредитларни кенг жалб этиши лозим.

Яшил молиялаштириш соҳасида илғор тажрибага эга давлатлар - Германия, Корея Республикаси, Нидерландия ва Япония билан техник ҳамкорлик дастурлари йўлга қўйилиши зарур.

Маҳаллий тижорат банклари ва халқаро молия институтлари ўртасида яшил лойиҳаларни ҳаммолиялаштириш (co-financing) механизмларини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Худудий даражада яшил инвестиция муҳитини яхшилаш учун маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида “Яшил инвестиция офислари”ни ташкил этиш орқали хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, яшил молиялаштиришни кенгайтириш Ўзбекистон иқтисодиётини диверсификация қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий омилларидан биридир. Давлат сиёсатининг барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштирилиши, молиявий институтлар фаолиятининг экологик йўналишда такомиллашуви ва аҳолининг яшил молиявий маданиятини ошириш орқали мамлакатда иқтисодий ўсиш ва экологик мувозанат ўртасидаги барқарор муносабатни таъминлаш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «“Ўзбекистон -2030” Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони, 11.09.2023 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сон қарори, 04.10.2019 йил

3. https://salatainstitute.harvard.edu/wp-content/uploads/2024/07/FECS2024ReadingList19Dec2024.pdf?utm_source=

4. https://www.researchgate.net/publication/364051088_Shifting_the_EU_Taxonomy_from_Theory_to_Practice_A_Review_of_the_Literature_highlighting_Potential_Academic_Contributions_to_its_Adoption_Implementation_and_Impact

5. https://greenfdc.org/wp-content/uploads/2024/04/Zhang-et-al-2024_China-green-finance-status-and-trends-2023-2024-1.pdf?utm_source=

6. Олейникова И.Н., Семенова Н.Н «Зеленые» финансы: сущность и опыт «зеленого» финансирования различных стран. Вестник Таганрогского института имени А.П. Чехова. 2023 г. № 3

7. Baymuradova Zilola Alisherovna, Boburjon Bahriddinovich Izbosarov. Problems and prospects of developing small business in Uzbekistan under the conditions of a green economy. «Yashil IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT» журналы, Vol. 3 No. 6 (2025)

8. Khalilov Sherzod Akhmatovich. Development of a green accounting methodology in uzbekistan: lessons from the malaysian experience. Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 1, February 2024. ISSN: 2181-1016

9. <https://openbudget.uz/api/v2/info/file/fee116744775ad5afc5f9362563c8b18>

10. https://greenapi.imv.uz//media/uploads_hisobotlar/files/Yillik_hisobot_2024-yil.pdf

11. <https://green.imv.uz/uz/>

12. <https://green.imv.uz/uz/report>